


## Фитна чиқарадиган тоифалар (иккинчи мақола)



17:23 / 08.04.2024 2163

هُنَعُ هَلْ لَ اِي ضَرِّ رَذِي بَا نَع  
هَيْلَعُ هَلْ لَ اِي لَصِي بِن لَ نَع  
قَرَا فُ نَمَ «: لَاقَ مَلَسَو  
عَلَخَ دَقَفَ اَرْبِ شَعَامَجُ لَ ا

# هَقُنْ عُنْمِ الْمَسْأَلَةِ قَبْرٍ

Абу Зар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким жамоатдан бир қарич узоқлашса, бўйнидан Ислом бўйинбоғини ечган бўлади», дедилар».

Шарҳ: Бошқача айтиладиган бўлса, бу иборанинг маъноси Исломдан чиқади, деганидир. Шунинг учун мусулмонлар оммасидан четга чиқмаслик лозим.

هَلَلَا يَلَصُّ بِسُنَنِ النَّعْهُنَّ وَ  
فِيكَ بَلَاقَ مَلَسَ وَهِيَ لَع  
يُدْعَبُ نَمُّهُ مِئْأَوْ مُتْنًا  
عُيْفُ الْاَذْهَبَ نُوْرُثُ اتُّسَي  
كَتَعَبُ يَدُّلْ اَوْ نَذَا تُتْلُقُ  
يَلَعُ يَفِي سَعْضِ اقْحُ لِبَاب  
يَّتَحَهِبُ بِرُضَا مُثَّ يِقْتَاع  
يَلَعُ كَلُّدَا الْاَوْ بَلَاقَ كَقَوْلَا  
يَّتَحُ رَبُّصَاتُ؟ كَلِّدُ نَمْرِ يَخ

# عَٰثَلُثَلَا هِذِهِ يَوْرٍ . يِنَا قَلَّتْ دُوَادُ وُبَّأ

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сизлар мендан кейин келиб, мана бу ўлжани ўзлариники қилиб оладиган имомларга қандоқ муносабатда бўласизлар?»** дедилар. «Сизни ҳақ ила юборган Зот ила қасам, қиличимни елкамга олиб, сизга етишгунимча у билан жанг қилайми?» дедим. У зот: **«Сенга бундан ҳам яхши нарсани айтайми? Менга етишгунингча сабр қиласан»**, дедилар».

*Ушбу уч ҳадисни Абу Довуд ривоят қилган.*

**Шарҳ:** Бундан давлат мол-мулкини ўзиники қилиб олган ҳукмдорларга қарши қурол кўтариб, жанжал қилгандан кўра сабр қилиш афзаллиги келиб чиқади.

هُنَّ عُهُلٌ لِّإِيضَرٍ رَّمْعَ بَطْحَ و  
أَهْيَا: لَأَقَفِةً يَبْأَجْلَاب  
مُكِّي فُتْمُقٍ يِّنْإِسْأَنَلَا  
أَنِي فِ هَلَلَا لُؤْسَرٍ مَأَقَمَك  
يَبْأَخْصَابُ مُكِّي صُؤْأُ: لَأَقَفِ  
مُتْمُهُنَّ وُلَيَّ نِي دَلَّأُ مَث

وَشَفَيَّ مُمْثَمَةً نَوْلِي نِي دَلَا  
لُجْرَلَا فِلْحَيَّ يَّتْحُ بِدَكْلَا  
دَهَشَيَّ وَفَلْحَتْ سِي آلَو  
آل آلَا، دَهَشَتْ سِي آلَو دِهَاشَلَا  
نَاكَ آلَا إِةَ أَرْمَابُ لُجْرَنَّ نَوْلُخَيَّ  
مُكْيَلَعُ، نَأْطِيَّ شَلَا أُمَّهَاتِ  
ةَ قَرْفَلَاوُ مُكْأَيَاوِةَ عَامَجَلَاب  
وَهُوَ دِحْ أَوْلَا عَمَ نَأْطِيَّ شَلَا نَأْف  
دَارَا نَم. دَعْبَا نِي نُنْثَالَا نَم  
مَزَلَيَّ لَفِةَ نَجَلَا عَحُوبُحُ  
هُتَنْ سَحْهُتَرْسُ نَمَ عَامَجَلَا  
مُكْلَدَفُ هُتَيَّيَّ سِ هُتَءَاسَو  
نَمُومَلَا

Умар розияллоху анху Жобияда хутба қилиб, шундай деди: «Эй одамлар! Мен ҳозир орангизда тургандек, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ҳам бизнинг орамизда туриб, шундай деганлар: **«Сизларга асҳобларимни, сўнг улардан кейингиларни васият қиламан. Кейин ёлғон тарқайди, ниҳоят, бир кишидан қасам талаб қилинмаса ҳам қасам ичадиган, гувоҳлик талаб қилинмаса ҳам гувоҳлик берадиган замон келади. Огоҳ бўлинглар! Эркак билан (номаҳрам) аёл холи қолса, учинчилари шайтон бўлади. Жамоатни маҳкам тутинглар, тафриқадан ҳазир бўлинглар. Шайтон ёлғиз киши биландир, у икки кишидан узоқроқ бўлади. Ким жаннатнинг қоқ ўртасини истаса, жамоатни маҳкам тутсин. Ким яхшиликларидан хурсанд бўлса, ёмонликларидан маҳзун бўлса, ана ўша ҳақиқий мўминдир».**

**Шарҳ:** Бу ерда ҳам мусулмонларни динни маҳкам тутган оммадан, жамоадан ажрамасликка тарғиб қилиш бор.

هَلَلَا يَلَصَّيْبُ نَلَلِ لِي قَو  
نَاكَ نَاتِي أَرَأَيْمَ لَسَوِ هَيْ لَع  
أَنْ قَح أَنْ وُعَنْ مِيْءَ أَرْمُ أَنْ يَلَع  
لَأَقَفْ مَّهَّ قَح أَنْ وُلَّ أَسَيَّو  
أَمَّنْ إِفْ أَوْعِي طَأْ أَوْعْ مَسَا  
أَمْ مَكِّي لَعَوِ أَوْلَمْ حَ أَمْ مَهْيَ لَع  
يِ ذِمَّرْتَلَا أَمْ هَاوَرِ. مَّتَلَمْ ح

Набий соллаллоху алайҳи васалламга:

«Тепамизга ҳаққимизни бермайдиган, лекин биздан ҳаққини сўрайдиган амирлар келса нима қилайлик?» дейишди. У зот: **«Қулоқ солиб, итоат қилинглр. Уларга ўзининг гуноҳи, сизларга ўзингизнинг гуноҳингиз»** , дедилар».

*Иккисини Термизий ривоят қилган.*

**Шарҳ:** Бунда муслмонлар орасида фитна чиқиб, уларнинг бошига катта мусибатлар тушишига сабаб бўлмаслик кўзда тутилган.

*(Тамом)*

**«Фитналар ва Қиёмат аломатлари» китобидан**